

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШНИНГ ФУҚАРОЛИК- ХУҚУҚИЙ ВОСИТАЛАРИ: ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР МИСОЛИДА

Мадумаров Талантбек Толибжонович

Андижон давлат университети ижтимоий иқтисодиёт факултети
декани юридик фанлари, доктори, профессори
madumarov4848@gmail.com

Ғулломжонов Одилжон Рахимжон ўғли

Ўзбекистон миллий университети Давлат ва фуқаролик жамияти
институтлари бошқаруви мутахассислиги 2-босқич магистранти
gulomjonovandu@gmail.com

ARTICLE INFO.

Аннотация:

Калит сўзлар: коррупция, фуқаролик ҳуқуқи, шартнома, зарар, битим, қонун, ҳуқуқ, восита, жавобгарлик.

Сўнги йилларда ҳуқуқий тартибот (ҳуқуқий тартибга солиш, муҳофаза қилиш ва ҳимоя)да комплекс ёндашув сезиларли ривожланиб бормоқда. Жаҳон глобаллашуви шароитида илгари фақат жиноий-ҳуқуқий таъқиб этилаётган қилмишга нисбатан фуқаролик-ҳуқуқий воситалар орқали таъсир ўтказиш ва курашиш тенденцияси кузатилмоқда. Шу сабабли коррупцияга қарши курашнинг фуқаролик-ҳуқуқий воситаларини тадқиқ этиш ва улар бўйича қонунчиликни такомиллаштириш долзарбдир.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2024 LWAB.

Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси ва Европа Кенгашининг Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенциялари қабул қилинган бўлса, 1999 йилга келиб Европа Кенгаши Коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисидаги конвенцияни қабул қилди ва ушбу Конвенция 2003 йил 1 ноябрдан кучга кирди. Ҳозирда ушбу ҳужжат Европа Иттифоқининг очик халқаро шартномаси ҳисобланиб, у 40 дан ортиқ давлат томонидан имзоланган ва 25 мамлакат унинг аъзоси саналади.

Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенциядан фарқли равишда Коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисидаги конвенция коррупцияга қарши курашнинг фуқаролик-ҳуқуқий ва фуқаролик процессуал характердаги умумий қоидаларни белгилашга ҳаракат қилади. Унга кўра, ушбу конвенция мақсадларидан келиб чиқиб коррупция пора олган,

бошқа ноқонуний имтиёз ёхуд имкониятга эга бўлган шахснинг мажбуриятларни лозим даражада бажаришини ёки ундан талаб этиладиган хулқ-атворнинг бузилишига олиб келадиган талаб, таклиф, бевосита ёки билвосита пора олиш ёки бошқа ноқонуний имтиёз ёхуд имкониятга эга бўлишдир (Конвенциянинг 2-моддаси).

Коррупцияга қарши курашда фуқаролик-ҳуқуқий воситаларни қўллашнинг зарурати хусусида АҚШлик мутахассис доктор Олаф Мейер қуйидагиларни билдиради: АҚШда коррупция билан боғлиқ муносабатларда жиноят ҳуқуқий соҳаси қонунчилиги ханузгина асосий восита сифатида эътироф этилади, бироқ шунга қарамадан жиноят ҳуқуқининг тийиб турувчи самараси ўз чегарасига эга ва фақат кам сонли ҳолатлардагина қўлланилади. Айни пайтда коррупцияга қарши кураш бевосита жабрланувчиларни ҳимоя қилишга фуқаролик даъволарини тақдим этиш йўли билан алоҳида эътибор беришни талаб этади. Мейернинг фикрича, бу ҳолат пора воситасида тузилган шартнома муддати амал қилишидан бошлаш жабрланувчи томон коррупция натижасида етказилган зарарни ундириш ва бой берилган фойда қопланишини талаб қилишга ҳақли¹.

Мазкур қоида АҚШ Конгресси томонидан 1977 йилда қабул қилинган “Ташқи иқтисодий фаолиятда коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги (Foreign Corrupt Practices Act) қонунда реализация қилинган бўлиб, унда фойдали контрактларни олиш учун чет эллик расмий (мансабдор) шахсларга пора бериш тақиқланиши белгиланган. Ушбу қонунга кўра, Бош прокуратура ёки Қимматли қоғозлар ва биржалар бўйича Комиссия порага қарши кураш қоидаларни бузган ҳар қандай фирмалар, фирманинг ҳар қандай хизматчиси, раҳбари, ходими ёки вакили ёки фирма номидан иш олиб борган акциядорига нисбатан 10 минг АҚШ доллари миқдорида жарима ундириш учун фуқаролик ишини қўзғатиши мумкин. Бундан ташқари, Қимматли қоғозлар ва биржалар бўйича Комиссиянинг тақдимномасига кўра суд қўшимча жарима белгилаши мумкин. Пул миқдори ҳуқуқбузарликнинг исботланишига асосланади ва фуқаролар учун 5 мингдан 100 минг, юридик шахслар учун 50 мингдан 500 минг АҚШ доллари гача белгиланади.

Бундан ташқари, Бош прокуратура ёки Қимматли қоғозлар ва биржалар бўйича Комиссия агар бирор бир фирма (ёки унинг хизматчиси, раҳбари, ходими, унинг номидан иш олиб борган вакили ёки акциядори) порага қарши кураш тўғрисидаги қонунни бузган (ёки бузмоқчи бўлган) деб ҳисоблаш учун асоси бўлса ушбу фирма фаолиятига тақиқ қўйиш мақсадида фуқаролик иши қўзғатиши мумкин².

Ўзбекистон қонунчилигидан фарқли равишда АҚШ Бош атторнейси, жиноят иши бўйича жазо белгиланиши билан бирга, коррупция тўғрисидаги қонунни бузган шахсларга нисбатан суд тартибидан 50 минг АҚШ доллари миқдорида жарима ундириш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақли. Жарима миқдори ушбу миқдорда кўпайтирилиши ҳам мумкин. Бунинг учун асос бўлиб ҳуқуқбузар кўпроқ миқдорда пора олган ёки олиш истагида бўлганлиги аниқланиши лозим (АҚШ Қонунлар мажмуининг 11 боби 18 титული 216 (b) моддаси).

АҚШда коррупцияга қарши кураш шу билан енгиллашганки, мамлакатда мансабдор шахсларнинг коррупцион хулқ-атвор учун амалда ҳеч қандай иммунитет мавжуд эмас. Ҳар қандай мансабдор, ҳатто у лавозимидан кетгандан кейин ҳам жавобгарликка тортилиши мумкин.

¹ Meyer, O. The Civil Law Consequences of Corruption / Olaf Meyer // Broschert, 2009. – С. 280.

² Murphy, A.G. Foreign Corrupt Practices Act: A Practical Resource for Managers and Executives / Aaron G. Murphy // Paperback, 2010. – С. 213.

Бундан ташқари, АҚШда давлат ҳокимиятининг ҳар бир бўғини учун мансабдор шахслар томонидан хусусий шахслар ва ташкилотлар томонидан совға олишнинг ягона қоидалари белгиланган. Хусусан, АҚШ сенатори, шунингдек унинг аппарати ходимлари Сенат томонидан аниқ қонунларнинг тасдиқланишидан манфаатдор бўлган шахслардан совға олишлари мумкин эмас, бунда совғанинг қиймати календар йилида 100 доллардан ошмаслиги лозим. Сенатор томонидан бир календар йилида бошқа манбалардан (қариндошлар бундан мустасно) олинган соқға 300 доллардан ошмаслиги зарур. Ахлоқ қонуни хусусий шахслар томонидан сафар харажатлари сифатида тўловлар қилишни чеклайди. Сенат мамлакат ичида уч кун (ва икки тун) ва хорижий мамлакатларга етти кун (ва олти тун) сафар қилиш лимитини белгилайди. Мазкур чекловлар сенаторнинг оила аъзоларига нисбатан ҳам татбиқ этилади. Хорижий мамлакатлар вакиллари томонидан совға ва мукофотлар олиш шартларини тартибга солувчи қоидаларга алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, давлат хизматчиси хорижий мамлакатлар вакилларида совғанинг баҳоси белгиланган минимал қийматдан юқори бўлмаса ҳамда сувинер ёки хурмат белгиси сифатида тақдим этилса қабул қилиши мумкин. Агар совға АҚШнинг фан ёки тиббиёт соҳасидаги ривожланиши билан боғлиқ бўлса, шунингдек совғани рад этиш совға қилаётган шахсни ранжитса ва бу қайсидир маънода халқаро алоқалар ривожланишига салбий таъсир кўрсатса мансабдор шахс белгиланган минимал қийматдан юқори бўлган совғани қабул қилишга ҳақли³.

Хитой Халқ Республикаси (ХХР) нинг коррупцияга қарши стратегияси жиноий таъқиб этиш ва репрессив таъсир чораларининг юқори даражадалиги билан ажаралиб туради. Шу мақсадда 2003 йили ХХР Коррупцияга қарши кураш кўмитаси ташкил этилган ва ушбу кўмита нафақат ўлим жазоси назарда тутилган коррупциявий жиноятларни тергов қилиш билан шуғулланади, балки ижро функциясини ҳам амалга оширади. 2007 йилда эса ХХР Коррупция ҳақида хабардор қилиш бўйича давлат бошқармаси ташкил этилди.

ХХР коррупцияга қарши кураш усулларида бири бўлиб кадрлар ротацияси ҳисобланади⁴. Бирок Хитойда коррупцияга қарши кураш тизимининг асосий бўғини амалдорларни катъий ва шафқатсиз жазолашдир. Масалан, 2007 йилда ХХРнинг озиқ-овқат ва дори-дармонлар бўйича вазири Чжень Сяюю пора эвазига қуритилган сутни сотишга лицензия беради. Сут сифатсиз бўлганлиги сабабли 12 та эмизикли бола вафот этади ва вазирга нисбатан ўлим жазоси тайинланиб, жазо дарҳол ижро этилади. Собиқ темир йўллар вазири Лю Чжицзюнь пора олганлигини тан олган ва тергов билан ҳамкорлик қилганлигига қарамасдан, 2013 йил 8 июль куни коррупцияга айланиб ўлим жазосига ҳукм этилади⁵. Турли манбаларга кўра Хитойда 2001дан 2013 йилгача коррупция факти бўйича турли даражадаги 13 мингта амалдор, 2012 йилда 160 мингта давлат аппарати ходими отиб ташланган.

Хитой Халқ Республикаси Жиноят кодексининг 8-боби 382-моддасида қуйидагилар коррупция сифатида баҳоланади:

³ Бочарников И.В. Зарубежный опыт противодействия коррупции // Государственная власть и местное самоуправление. – 2008. – № 9.

⁴ Шмелева К. Л. КНР против коррупции: стратегия, практика, криминологическая оценка : учеб. пособие / К. Л. Шмелева. – М. : Изд-во Эксмо, 2010. – 320 с.

⁵ Ротанова Т. Китайский чиновник-коррупционер приговорен к смертной казни / Т. Ротанова // Коммерсант. – 2013. – № 117/П (5149). – С. 13.

- давлат хизматчисининг ўз хизмат ваколатларидан фойдаланиб жамоавий мулкни ўзлаштириши, ўғирлаши, фирибгарлик йўли билан олиши ёки ноқонуний эгаллаши ёки бошқа усулда қўлга киритиши;

- давлат органлари, давлат компаниялари, корхоналари, ташкилотлари, халқ бирлашмалари ўзларига бошқаришга ва хўжалик юритишга берилган давлат мулкини ўзларининг хизмат ваколатларидан фойдаланган ҳолда эгаллаши, ўғирлаши, фирибгарлик йўли билан олиши ёки ноқонуний эгаллаши ёки бошқа усулда қўлга киритиши.

Индивидуал коррупциявий хатти-ҳаракат учун ХХР Жиноят кодексининг 383-моддасига мувофиқ 1 йилдан 7 йилгача озодликдан маҳрум этиш, 5 юандан 20 минг юангача миқдордаги коррупция учун ва 100 минг юандан кўп бўлган индивидуал коррупция учун 10 йилдан кўп ёки мол-мулки мусодара қилиниб муддатсиз озодликдан маҳрум этиш; алоҳида оғирлаштирувчи ҳолатлар учун – ўлим жазоси ва мол-мулкни мусодара қилиш санкциялари белгиланган⁶.

Таъкидлаш лозимки, коррупцияга қарши курашнинг жиноий-ҳуқуқий воситаларига асосий урғу бериш ва жиноий таъқибнинг қатъий чораларига қарамасдан коррупцияга қарши кураш сезиларли натижага эришиш имконини бермайди. Шу сабабли бугунги кунда ХХРда коррупцияга қарши курашнинг фуқаролик-ҳуқуқий ва маъмурий-ҳуқуқий воситаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бир томондан бу давлат хизматчиларининг турмуш шароити яхшиланишига давлат томонидан эътибор қаратилиши билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан давлат хизматчилари учун муайян чеклов ва таъқиқларни белгилаш, бунда миллий ўзига хосликни ҳисобга олиш элементлари мавжуд. Масалан, байрам ва туғилган кун муносабати билан давлат хизматчилари олиши мумкин бўлган совғанинг максимал қиймати қонунчиликда белгилаб қўйилган.

Коррупцияга қарши курашда ҳуқуқшуносликнинг турли соҳаларига оид воситаларидан фойдаланиш бўйича Сингапур тажрибаси эътиборга моликдир. Бинобарин, ушбу давлатда трли ҳуқуқий воситалар ўзаро алоқадорликда қўлланилади ва бир вақтнинг ўзида жиноий, фуқаролик ва маъмурий ҳуқуқий воситаларни камраб олади.

Маълумки, мустақилликка Сингапур жуда камбағал мамлакат ҳисобланган ва энг кичик муаммолар ҳам пора бериш орқали ҳал қилинган. Мамлакат тараққиёти учун йўл коррупцияга қарши қатъий ва муросасиз кураш билан бошланган. Ушбу давлатда 1960 йил “Коррупциянинг олдини олиш тўғрисида”ги Қонун (Prevention Of Corruption Act) қабул қилинган ва шбу иллат қарши кураш сифатида қонун жиноий-ҳуқуқий, фуқаролик-ҳуқуқий ва маъмурий-ҳуқуқий тусдаги чораларни белгилаган. Хусусан, мазкур қонуннинг 14-моддасига кўра, агент томонидан мукофот (пул, ҳақ) олинганида, унинг раҳбари агентдан ёки унга мукофот берган шахсдан берилган мукофот миқдоридаги пул суммасини ундириш тўғрисида фуқаролик даъвоси билан судга музоаат қилиши мумкин⁷.

Коррупцияга қарши кураш борасида вазият Ли Куан Ю томонидан ҳокимиятнинг юқори доораларидаги коррупцияга қарши курашиш учун мустақил орган – Коррупцияга қарши кураш агентлигини ташкил этиши ва унинг директори бевосита ҳукумат раҳбарига бўсуниви белгиланиши билан ижобий томонга ўзгарган. Агентликка жиддий ваколатлар: потенциал порахўрларни ушлаш, уларнинг уйи ва иш жойида тинтув ўтказиш, банк ҳисобрақамларини

⁶ Коробеева, А. И. Уголовный кодекс Китайской Народной Республики / А. И. Коробеева, Д. В. Вичикова. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2009. – 305 с.

⁷ Филиппов, В. В. Противодействие коррупции в странах Азиатско-Тихоокеанского региона: учеб. пособие / В. В. Филиппов. – Хабаровск: Изд-во ДВ – филиал РАНХиГС, 2012. – 284 с.

текшириш ва шу кабилар берилди⁸. Қолаверса, Сингапурда иш ҳақининг кескин ошиши ҳам коррупцияга қарши кураш сезиларли даражадаги натижага эришилди. Шунга қарамасдан порахўрлик ҳолати кундалик ҳаётдан дарҳол йўқ бўлиб кетмади, ҳатто юқори ойлик маоши олсаларда айрим давлат хизматчилари илтимосчилар томонидан таклиф этиладиган пул маблағлари “жозибаси”ни инкор эта олмаслик ҳолатлари учрарди. Амалдорларнинг қўшимча ноқонуний даромадларини аниқлаш учун коррупцияга қарши кураш бўйича махсус орган – коррупцияни тергов қилиш бўйича Бюро таъсис этилди ва у 24 соат иш юритувчи “ишонч телефонлари” бўйича иш олиб бориш ва аноним шикоятларни қабул қилиш ваколатига эга бўлди. Унинг агентлари нафақат амалдорнинг балки, унинг болалари, хотини (эри), қариндошлари ва ҳаттоки дўстларининг банк ҳисобрақамлари, мол-мулкни текширишга ҳақлидирлар.

Сингапурнинг давлат хизмати меритократия (шахсий хизматлар тизими), бетарафлик, жамият олдида ҳисобдорлик, коррупцияга қарши кураш интизоми асосида иш олиб боради. Мазкур коррупцияга қарши кураш сиёсати Сингапурда коррупцияни ижтимоий жиҳатдан тоқатлилик даражасигача камайтирди.

Коррупцияга қарши курашнинг фуқаролик-ҳуқуқий воситаларини қўллашнинг хорижий тажрибаси таҳлили шуни кўрсатадики, фуқаролик-ҳуқуқий воситаларнинг жиноий-ҳуқуқий, маъмурий воситалари билан ўзаро боғлиқлиги коррупциявий хулқ-атворга қарши самарали фаолият олиб бориш ва энг муҳими коррупциявий ҳуқуқбузарлик натижасида жабрланувчи томонидан етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган молиявий фойда ва номоддий зарарни тўлиқ қоплаш имконини беради.

Коррупцияга қарши курашнинг фуқаролик-ҳуқуқий воситаларидан бир сифатида бу ҳуқуқбузарлик натижасида қабул қилинган қарорларни ҳақиқий эмас деб топиш таомилини келтириш мумкин. Мазкур таомил орқали жабрланувчининг бузилган ҳуқуқлари тикланиши ҳамда унга етказилган зарарларни қоплаш имконияти юзага келади. Бунда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар натижасида қабул қилинган қарорлар тушунчаси ва унинг белгиларини аниқлаш муҳим аҳамият эга. Шу жиҳатдан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар натижасида қабул қилинган қарорлар деганда, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан фуқаролар ва юридик шахсларнинг, шунингдек давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузадиган ёки қонун ҳужжатлари талабларини бузиш йўли билан қабул қилинган қарорлар тушинилади.

Муайян қарорни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар натижасида қабул қилинган қарорлар деб ҳисоблаш учун у қуйидаги белгиларга эга бўлиши лозим:

1. Қарор қабул қилиш коррупция жиноятлари билан боғлиқ бўлиши ва қарор қабул қилиш муносабатлари, жараёнлари субъектларининг хатти-ҳаракатларида коррупция элементлари мавжуд бўлиши зарур. Бунда шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш йўли билан қарор қабул қилиши коррупция ҳуқуқбузарлиги натижасида қабул қилинган қарор ҳисобланади.

⁸ Моисеев, В. "Сингапурское чудо": как стать процветающей страной / В. Моисеев // Человек и труд. – 2011. – № 3. – С. 16.

2. Фуқаролар ва юридик шахслар ҳуқуқларининг бузилиши ва қонуний манфаатларига путур етиши. Коррупция ҳуқуқбузарлиги натижасида қабул қилинган ҳар қандай қарор у ёки бу шахснинг ҳуқуқлари бузилишига эвазига қабул қилинади ёки давлат ва жамият манфаатларига салбий таъсир кўрсатилиши билан боғлиқ бўлади. Масалан, тадбиркорлик фаолияти амалга ошириш учун лицензия олиш учун тадбиркорлик фаолияти субъекти мансабдор шахсга пора берди. Пора эвазига олинган лицензия қуйидаги салбий ва ноқонуний оқибатларни юзага келтиради:

- тадбиркорлик фаолиятининг мазкур тури учун лицензия олиши лозим бўлган шахснинг ҳуқуқлари бузилишига олиб келади, яъни бошқа тадбиркорлик субъекти шундай лицензияни ололмайд;

- пора олган мансабдор шахс лицензиялаш учун талаб этиладиган ҳужжатларни камчиликлари билан қабул қилади ва оқибатда қонун нормалари талаблари бузилишига сабаб бўлади;

- пора эвазига лицензия олган томон ўз фаолиятини ноқонуний асосда бошлаши эвазига мамлакат иқтисодиёти, молия ва солиқ тизимига зарар келтиради. Яъни, ноқонуний қўлга киритилган лицензия асосидаги фаолиятдан олган даромадидан қонуний фаолият учун тўланадиган солиқ тўловларини тўлайди, яъни кам солиқ тўлайди ҳамда қонуний лицензия олган шахсга тақдим этиладиган молиявий ресурсларни қўлга киритиш имкониятига эга бўлади;

- мансабдор шахсга пора бериш йўли билан лицензия олган шахс тузган фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар ҳам бекор қилинади. Чунки, бундай шартномалар тузиш асоси ҳисобланган юридик факт (бу ҳолат ваколатли давлат органи томонидан берилган лицензия) ҳақиқий эмас деб топилиши сабабли бундай шартномалар ҳам ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади. Бундай битим Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 116-моддаси талабларидан келиб чиқиб ҳақиқий эмас ҳисобланади. Мазкур моддага кўра, қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир.

3. Ҳуқуқ-тартибот асосларига атайин қарши қабул қилиниши. Мутахассисларнинг фикрича, давлат томонидан қўриқланадиган ҳуқуқий муносабатлар тизими жамиятдаги ҳуқуқий тартиботнинг асосини ташкил этади. ҳуқуқий тартибот – ҳуқуқий нормаларни қўллаш натижасида ижтимоий муносабатларнинг тартибга солинганлигини ўзида ифодалайди. Ушбу тартибот қонунларнинг аниқ амалга оширилиши воситасида ўрнатилади⁹. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар натижасида қабул қилинган қарор ҳам ҳуқуқ-тартиботга, яъни давлат томонидан ўрнатилган қоидалар ва нормаларга қарши равишда қабул қилинади ёки қабул қилиш жараёнида қонун ҳужжатлари нормалари бузилади. Масалан, мансабдор шахс танишининг илтимоси билан тадбиркорга бино қуриши учун режага киритилмаган ер участкасини ажратиш тўғрисида қарор қабул қилади ва шу йўл билан коррупциявий ҳуқуқбузарлик содир этади. Бунда мансабдор шахс ғаразли мақсадларни кўзлаб ҳуқуқ-тартибот асосларига қарши ҳаракат қилади.

4. Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи, фуқаро ва юридик шахснинг мол-мулкига зарар етиши. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар натижасида мансабдор шахс қабул қилинган қарорлар натижасида фуқаро ва юридик шахсга зарар етиши мумкин. Масалан, тегишли ер участкасига эга бўлиши учун тадбиркор туман ҳокимига пора эвазига шу ерда жойлашган фуқароларга тегишли турар жойларни бузиш ва фуқароларни бошқа жойга кўчириш тўғрисида қарор чиқартириши

⁹ Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Х.Т.Одилқориев, И.Т.Тулътеев ва бошқ.; проф. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. – Тошкент.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. – 318, 490 б.

мумкин. Бунинг натижасида ҳоким томонидан фуқароларнинг уй-жойларини ноқонуний қурилма деб топиш тўғрисида судга даъво ариза тақдим этилади ва тегишли суд қарори чиқарилиб уй-жойлар бузилади. Кейинчалик суриштирувлар натижасида ҳокимият томонидан ҳужжатлар сохаталаштирилганлиги аниқланиб, шу асосда суднинг нотўғри ва асоссиз қарор қабул қилганлиги аниқланади. Натижада фуқароларга етказилган зарарлар давлат томонидан қопланиши лозим бўлади (ФКнинг 15, 990-моддалари).

5. Тадбиркорлик тузилмаларини бошқариш, айниқса корпоратив бошқарувда манфаатлар тўқнашуви ҳамда аффилиланган шахслар билан битим тузиш қоидаларининг бузилиши. Маълумки, қонунга ёки юридик шахснинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ юридик шахс номидан иш олиб борадиган шахс ўзи вакили бўлган юридик шахс манфаатлари йўлида ҳалол ва оқилона иш олиб бориши керак (ФКнинг 45-моддаси учинчи қисми). Бу ҳолатда ҳалоллик ва оқилоналик категориялари шахснинг хатти-ҳаракати ва фаолиятини баҳоловчи мезонлар сифатида бошқарув органи аъзосининг коррупциявий ҳуқуқбузарликни содир этган ёки этмаганлигини аниқлаш имконини беради. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 81-моддаси биринчи қисмига кўра, жамият кузатув кенгашининг аъзолари, жамият директори ва бошқаруви аъзолари, шунингдек ишончли бошқарувчи ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши шарт.

Мазкур нормадан англашилишича, корпоратив бошқарув органлари аъзоларининг хатти-ҳаракатлари жамият манфаатларига йўналтирилганлик ва шунга мувофиқ келиши нуқтаи назардан баҳоланиши лозим. Мутахассисларнинг фикрича, корпоратив бошқарув органи аъзолари ҳаракатининг ҳуқуққа хилофлиги улар томонидан амалдаги қонунчилик, таъсис ҳужжатлари талаблари ҳамда юридик шахс билан улар ўртасида тузилган шартнома шартларининг бажарилмаслиги ҳисобланади¹⁰. Фикримизча, акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзоси томонидан жамият манфаатига зид бўлган қарорни ёқлаб овоз бериш учун муайян пул маблағи ёки ўзга манфаатдорлик кўриши коррупциявий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади ва унинг натижасида қабул қилинган қарор ноқонуний ҳисобланади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, коррупцияга қарши курашнинг фуқаролик-ҳуқуқий воситаларини жиноий-ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий воситалар билан уйғунликда қўллаш, қолаверса, амалдаги қонунчиликда коррупцияга қарши курашнинг фуқаролик-ҳуқуқий воситаларини ифода этиш муҳим аҳамиятга эга. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунига ҳам коррупцияга қарши курашнинг фуқаролик-ҳуқуқий воситаларини киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Meyer, O. The Civil Law Consequences of Corruption / Olaf Meyer // Broschert, 2009. – С. 280.
2. Murphy, A.G. Foreign Corrupt Practices Act: A Practical Resource for Managers and Executives / Aaron G. Murphy // Paperback, 2010. – С. 213.
3. Бочарников И.В. Зарубежный опыт противодействия коррупции // Государственная власть и местное самоуправление. – 2008. – № 9.
4. Шмелева К. Л. КНР против коррупции: стратегия, практика, криминологическая оценка : учеб.

¹⁰ Ботнев В. Гражданско-правовое регулирование противодействия коррупции в бизнесе // Государственная служба. 2015. – №4 (96).

- пособие / К. Л. Шмелева. – М.: Изд-во Эксмо, 2010. – 320 с.
5. Ротанова Т. Китайский чиновник-коррупционер приговорен к смертной казни / Т. Ротанова // Коммерсант. – 2013. – № 117/П (5149). – С. 13.
 6. Коробеева, А. И. Уголовный кодекс Китайской Народной Республики / А. И. Коробеева, Д. В. Вичикова. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2009. – 305 с.
 7. Филиппов, В. В. Противодействие коррупции в странах Азиатско-Тихоокеанского региона: учеб. пособие / В. В. Филиппов. – Хабаровск: Изд-во ДВ – филиал РАНХиГС, 2012. – 284 с.
 8. Моисеев, В. "Сингапурское чудо": как стать процветающей страной / В. Моисеев // Человек и труд. – 2011. – № 3. – С. 16.
 9. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Х.Т.Одилқориев, И.Т.Тулътеев ва бошқ.; проф. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. – Тошкент.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. – 318, 490 б.
 10. Ботнев В. Гражданско-правовое регулирование противодействия коррупции в бизнесе // Государственная служба. 2015. – №4 (96)